

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД - 5.03
2015 йил «15» 04

Соғлиқни саклаш вазирлиги



КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА. КАСБИЙ ПСИХОЛОГИЯ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни саклаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни саклаш

Таълим йўналиши: 5510900 – Тиббий биологик иш

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг 20¹³ йил “25” 07 даги “100” –сонли бўйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдикланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофикаштирувчи кенгашининг 20¹³ йил “15” 04 даги “1” –сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофикаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОУМТВнинг 20¹³ йил “7” 12 даги 1000 сонли бўйруги билан келишилган.

Фан дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти томонидан ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Шойимова Ш.С. - ТошПТИ “Чет тиллар, педагогика ва психология” кафедраси доценти, п.ф.н.

Мелибоева Р.Н. - ТТА “Педагогика ва психология” кафедраси мудири, доцент (в.б.), психология бўйича фалсафа доктори (PhD)

Мирзаева Ш.Р. - ТошПТИ “Чет тиллар, педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

Рахмонова Ё.Р. – ТТА “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Рўзиева Д.И. – ТДПУ “Умумий педагогика” кафедраси мудири, п.ф.д, профессор

Умаров Б.М. – Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси профессори, п.с.ф.д.

Фан дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (20¹⁴ йил “27 июн” даги “8”-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Бугунги кунда Олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими вазирлигининг давлат миқёсидаги асосий вазифаларидан бири замонавий таълим-тарбияни йўлга қўйишида ёшларни касб-хунарга ўргатиш, ўз истаги ва хоҳиши, қизиқиши ва қобилиятига қараб касб танлаш, бутун ҳаёти давомида ўз касбига садоқатли бўлиш ҳисларини шакллантиришдан иборатdir. Мазкур дастур “Педагогика. Психология” фанининг қонуний давоми бўлиб, унда “Касбий педагогика. Касбий психология” фанининг мазмуни, мақсад ва вазифалари, илм-фан ва соғлиқни сақлашда тутган ўрни, предмети ва методлари, назарий ва методологик асослари, касб таълими тамойиллари, касбий таълим меъёрий ҳужжатлари, замонавий педагогик ва инновацион ўқитиш технологиялари, талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ўқув-тарбия жараёнини ташкиллаштирувчи – педагогга қўйилган талаблар, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, уларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш вазифалари ҳамда имкониятларини кўриб чиқади. Дастур ўқув жараённи самарали ташкиллаштириш ва рўёбга чиқаришга оид билимларга, педагогик мулоқот кўникма ва малакаларига, касбий компетенцияга эга бўлишни ўз зиммасига олади. Шунга кўра, “Касбий педагогика. Касбий психология” фани дастури асосида юксак профессионал ва самарали касбий таълим жараёнини ташкил этишда, таълим олувчиларни касбий шакллантиришда, малакали ҳамда рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашда, педагогик фаолиятга услубий ва ижодий ёндашишда муҳим роль ўйнайди.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

“Касбий педагогика. Касбий психология” фанининг **мақсади** – талабаларда касбий таълим йўналишининг Давлат таълим стандартида белгиланган ҳажмдаги илмий-назарий билим, амалий малака ва кўникмалар ҳамда касбий компетенцияни шакллантиришдан иборат. Шунингдек, талабаларни касбий педагогика ва касбий психология фани билан таништириш, уларга касбий фаолиятда зарур бўладиган фанга оид билимларни бериш, керакли билимларни шакллантириш ва кўникмаларни ҳосил қилишdir.

“Касбий педагогика. Касбий психология” фанининг **вазифалари**:

- фанининг илмий-назарий ва амалий асослари, касбий таълим соҳасидаги ислоҳотларни ҳақида билимларни ўзлаштириш;
- таълим олувчилар шахсини касбий шакллантириш;
- касбий психодиагностик жараён асосларини, шахснинг хусусиятларини, психик ҳолатини, муомала ва тасаввурининг қонуниятларини ўзлаштириш;
- шунингдек, касб танлаш, касбга йўналтириш, касбий камолотга доир психологик концепцияларни ўрганишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади.

Талаба:

- «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар, касбий таълим тизимидағи касбий-малакавий янгиланишлар;
- педагогик жараённинг хусусиятлари ва педагогик тушунчалар, таълим назарияси ва ўқитиши методикалари;
- касб таълими ўқитувчисига қўйиладиган талаблар ва педагогик қобилиятлар, ўқув жараёнида педагогик мулоқотнинг аҳамияти ва асослари,
- касбий психологиянинг предмети, мақсади ва вазифалари;
- касбий психологиянинг методлари ва ривожланиш босқичлари;
- касбий психологияни ўрганиш орқали талabalар фаннинг ва илғор ишлаб чиқариш жараёнининг ютуқларини ўрганиши;
- касбий психология фанидан ўрганилган натижалари орқали, шахс психологияси, касбий мутаносиблиги, касбий йўналганлиги, касбий мотивлари масалаларига оид **билимларга эга бўлиши**;
- машғулотни режалаштиришда таълим-тарбия усуллари ва дидактик воситаларни тўғри танлай олиш;
- касбий таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлай олиш;
- мавзу мақсадига кўра турли хил назорат вазифалари ва топшириқларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллай олиш;
- касбий психологиянинг касбий таълим мутахассисларини тайёрлашдаги ўрнини;
 - касбий мулоқот ва коммуникатив толерантликни;
 - касбий деструкция ва деформация масалаларини;
 - касбий фаолият жараёнида касбий йўналганлигини ташхис қилиш каби **амалий қўнилмаларга эга бўлиши**;
- ўқитишида таълимнинг замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш;
- маъруза ва семинар машғулотларини ўтказиш технологиялари ҳамда технологик хариталарни ишлаб чиқиш;
- ижодий изланувчанликни намоён этган ҳолда мавзу доирасида ноанъанавий ўқитиши усулларидан самарали фойдалана олиш;
- педагогик диагностиканинг турли хил усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- касбий фаолиятда психологик билимлардан фойдаланиш;
- таълим жараёнида касбий мотивларни аниқлаш ва касбга йўналтириш;
- касбий фаолиятда психологик билимларни қўллай билиш каби **малакаларга эга бўлиши зарур.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Мавзу. Касбий педагогика фанининг асослари

Касбий таълим педагогикасининг шаклланиш тарихи. “Касбий педагогика”

фанининг касбий таълим мутахассисларини тайёрлашда тутган ўрни. Фаннинг предмети, мақсади, вазифалари ва методологик асослари. Касбий педагогика фанининг асосий тушунчалари (категориялари). Касбий педагогика фанининг тармоқлари. Касбий педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари. Касбий педагогиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Педагогик фаолиятга қўйилган талаблар, педагогнинг асосий профессионал сифатлари. Ўзбекистонда касбий ва тиббий таълим тизимидағи ислоҳотлар. Таълим олувчилярни ва ахолини касбга йўналтириш.

2-Мавзу. Ўзбекистонда касбий таълимни ривожлантиришда хорижий тажрибаларни қўллаш

Касбий таълимга тегишли илғор чет эл мамлакатлари тажрибасини ўрганиш бўйича қиёсий изланишлар олиб боришининг мақсад ва вазифалари. Ўрта маҳсус касб-хунар таълимига тегишли чет эл тажрибасини ўрганиш бўйича изланишларнинг асосий йўналишлари. АҚШ, Канада, Германия, Буюк Британия, Франция, Финляндия, Италия, Корея, Хитой, Япония ва Ҳиндистон мамлакатларидағи касбий таълим тизими. Ҳамдўстлик мамлакатлари ва Россиянинг касбий таълим тизими. Қиёсий таҳлил натижалари асосида Республикамизда касбий таълимнинг ривожланиш омиллари ва унинг ўзига хослиги.

3-Мавзу. Касбий таълимда замонавий дарс турлари. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш.

Касбий таълим йўналишида замонавий дарсларни ташкил этиш хусусиятлари. Маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, дарсларни самарали ташкил этиш омиллари. Замонавий дарсларга қўйиладиган талаблар. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш, мустақил иш турлари ва даражалари, матн билан ишлаш, ёзма ишлар, оғзаки чиқиш, тақдимот қилиш. Мустақил ишларни бажариш бўйича талабалар учун методик тавсиялар.

4-Мавзу. Ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш

Педагогик диагностика, ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш хусусиятлари. Касбий таълимда рейтинг тизими, унинг вазифалари, назорат қилиш ва баҳолаш турлари, усуллари. Ўқув мақсадларига мувофиқ талабалар ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолаш.

5-Мавзу. Тиббий таълимда ўқитишнинг ноанъанавий усуллари

Инновацион технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуи сифатида. Педагогик технологиянинг бошқарувчанлик хусусияти. Ўқитиш технологиялари мажмуавий интерактив тизим сифатида.

Тиббий таълимда дарсларни ташкил этишда интерактив усуллар, график органайзерлар, муаммоли ва ўйинли технологияларни қўллаш.

6-Мавзу. Касбий психология фанига кириш. Касбий психологиянинг умумий масалалари

Касбий психологиянинг предмети, мақсади, вазифалари ва методлари. Касбий психология фанининг шаклланиш тарихи. Касб тушунчаси ва касбларни психологик таснифлаш. Касб танлашга йўллашнинг умумий масалалари ва унинг психологик моҳияти. Касбий профессиограмма ва унинг психологик мазмуни. Шахс тараққиёти босқичларида касбий шаклланиши ва касбий камолот. Мехнат жараённида субъектнинг касбий шаклланиши муаммоси. Касбий сифатлар ва касбий идентификация. Касбий фаолият психодиагностикаси. Мутахассис аттестациясининг психологик жиҳатлари. Реориентация психологик муаммо сифатида.

7-Мавзу. Касб танлаш мотивацияси ва қизиқиши. Касбга йўллашда шахсий фазилатларнинг роли

Касб танлаш мотивацияси. Ёшларда ўқув ва касбий мотивацияни ривожлантириш масалалари. Касб ва қизиқиши. Қизиқишнинг касб танлашдаги ўрни ва касбни эгаллаашдаги аҳамияти. Касбга йўллашда шахсий фазилатларнинг роли. Шахснинг билиш жараёнлари, характер ва темперамент хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўллаш муаммоси. Ёшларни касбга йўллашда уларнинг ҳис-туйғулари ва иродаларини ҳисобга олиш. Касбга йўллаш жараённида шахснинг индивидуал - типологик хусусиятлари ва ҳис-туйғуларини, лаёқат, истеъодони ҳисобга олиш, ёшларни фан асослари ва психологик билимлар билан қуроллантириш ҳамда касб-хунар, ихтисослик, мутахассислик олдига қўйиладиган психографик, профессиограммали талаблар.

8-Мавзу. Касб таълими фаолияти ва унга қўйиладиган замонавий талаблар

Касбий-педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари. Педагогик фаолият Е.А.Климовнинг касблар тузилмасидаги “инсон-инсон” йўналишига хос эканлиги. Педагогик фаолият тузилиши (А.К.Маркова, Л.Д.Столяренко бўйича). Педагогик фаолият мотивацияси. Касбий-педагогик фаолият маҳсулдорлиги даражалари (Н.В.Кузьмина). Педагог эгаллаши лозим бўлган малакалар (А.К.Маркова). Педагогик қобилиятлар. Педагогнинг муҳим касбий сифатлари картаси (В.П.Симонов). Педагогнинг касбий ўз-ўзини англаши. Педагог шахсий сифатларининг касбий аҳамияти. Педагог фаолиятининг индивидуал услублари.

9-Мавзу. Касб таълими фаолиятида шахслараро муносабатлар

Педагогик мuloқотнинг психологик асослари. Мuloқот касбий таълим фаолиятининг асосий категорияси сифатида. Мuloқот моҳияти, функциялари ва даражалари. Касбий - педагогик мuloқот ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тузилишлари. Касбий позициялар ва педагогик мuloқот услублари. Ўқитувчининг касбий позицияси типологияси (М.Тален). Педагогик мuloқот услублари классификацияси (В.А.Кан-Калик). Мuloқотдаги психологик қийинчиликлар, уларнинг классификацияси, намоён бўлиш хусусиятлари. Мuloқотдаги психологик қийинчиликлар классификацияси (А.А.Рояк). Мuloқотдаги қийинчиликлар омиллари (Ю.М.Орлов). Касбий-педагогик мuloқот тўсиқлари. Касб таълими фаолиятида конфликтлар ва педагогнинг коммуникатив толерантлиги. Педагогнинг коммуникатив толерантлиги. Шахслараро мuloқотнинг умумий тамойиллари. Мuloқотнинг самарали усуллари.

10-Мавзу. Касбий деструкция ва деформация психологик муаммо сифатида

Касбий деструкция ва деформациянинг психологик муаммолари. Касбий деформацияда мутахассис фаолият структураси ва шахсий хусусиятларининг ўзгариши, меъёридан оғиши қузатилиши. Педагог деформациялари (Э.Ф.Зеер, Э.Э.Симанюк). Педагог шахсининг касбий деформация типлари (Е.И.Рогов). Касбий деформация ва педагог компетентлиги. Касбий деструкцияларнинг ривожланишига сабаб бўладиган барча омилларнинг турли-туманлигини (Э.Э.Симанюк). Шахсда касбий деструкция ривожланиши тенденциялари (А.К.Маркова). Касбий сўниш касбий фаолиятни самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омил эканлиги. Касбий сўниш омиллари.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар 50% назарий ва 50% амалий қисмдан иборат бўлган ҳолда ўтказилади, қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Амалий машғулотлар мавзулари:

1. Касбий педагогика фанининг асослари
2. Касбий таълим мазмуни. Касблар ва ихтисосликлар умумдавлат классификатори
3. Ўзбекистонда касбий таълимни ривожлантиришда хорижий тажрибаларни қўллаш
4. Касбий таълимда тарбиявий ишлар моҳияти. Тарбия жараёнида таълим олувчилар шахси хусусиятлари
5. Касбий таълим усуллари, шакллари ва воситалари
6. Касбий таълимда замонавий дарс турлари. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш
7. Ўқитиши жараёнида талабаларнинг билим, кўникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш. Тестология ва унинг ўзига хос хусуситлари

8. Касбий таълимда инновациялар. Тиббий таълимда ўқитишнинг ноанъанавий методлари.
9. Касбий таълим ўқитувчиларини тайёрлаш.
- 10.Касбий психология фанига кириш: фаннинг предмети, мақсади, вазифалари ва тадқиқот методлари. Фаннинг ривожланиш тарихи.
- 11.Касбий психологиянинг умумий масалалари. Касб танлашга йўллашнинг психологик моҳияти.
- 12.Касбий шаклланиш жараёнида шахс тараққиёти ва шахснинг касбий камолоти
- 13.Шахсда касбий англаш ва шахс шаклланишининг турли босқичларида касбий ўзликни англаш.
- 14.Касб танлаш мотивацияси ва қизиқиши. Касбга йўллашда шахсий фазилатларнинг роли.
- 15.Касб таълими фаолияти ва унга қўйиладиган замонавий талаблар.
- 16.Касб таълими фаолиятида шахслараро муносабатлар.
- 17.Касбий деструкция ва деформация психологик муаммо сифатида.
18. Касбий фаолият психодиагностикаси.

Амалий машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурӯхга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равиша муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Амалий машғулотларни ўтказишида қўйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларнинг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талabalарда қизиқиши уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равиша қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Касбий педагогика. Касбий психология фани бўйича амалиётни ўтиш даврида талabalар амалий кўнималарни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўнималар рўйхати:

1. Машғулотни режалаштиришда таълим-тарбия усуллари ва дидактик воситаларни тўғри танлай олиш;
2. Касбий таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлай олиш;
3. Мавзу мақсадига кўра турли хил назорат вазифалари ва топшириклиарини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллай олиш;
4. Касбий психологиянинг касбий таълим мутахассисларини тайёрлашдаги ўрнини;
5. Касбий мулоқот ва коммуникатив толерантликни;

6. Касбий деструкция ва деформация масалаларини;
7. Касбий фаолият жараёнида касбий йўналганлигини ташхис қилиш.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича қўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Касбий педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Касб педагогикаси асослари ва унинг моҳияти.
2. Жамият ривожланишида касбий педагогиканинг ўрни ва аҳамияти.
3. Ўрта Осиё худудида касбий таълим тизими шаклланишининг тарихий шартшароитлари.
4. Касбий педагогикада таълим жараёни.
5. Касбий педагогикада шахс ва жамият муаммолари.
6. Касб педагогикасида таълим методлари.
7. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ривожланишининг янги босқичида касбий педагогиканинг ўрни ва вазифалари
8. Касбий педагогиканинг шаклланиши, ривожланиши ва касбий педагогикада қўлланиладиган илмий тадқиқот усуллари
9. Касбий таълимнинг долзарб педагогик муаммолари
10. Таълимни стандартлаштириш, ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизими мазмуни, мақсад ва вазифалари.
11. Касбий таълим тизимларининг қиёсий таҳлили
12. Касбга йўналтириш хусусиятлари
13. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими битирувчиларининг ишлаб чиқаришга мослашуви
14. Касбий таълим педагогикасининг дидактик тамойиллари
15. Касб-хунар таълимини ташкил қилишда ўқитувчининг асосий вазифалари
16. Ўқитувчининг касбий-педагогик фаолияти, касбий маҳорати ва педагогик қобилияти
17. Касб-хунар таълимида ўқувчиларни тарбиялаш назарияси ва амалиёти
18. Касб-хунар таълимида таълим-тарбия жараёни сифатини назорат қилиш ва баҳолаш
19. Касб таълимида инновацион педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар
20. Таълим олувчиларни мотивлаштириш ва фаоллаштириш усуллари
21. Талабанинг касбий шаклланишида шахсий қадриятларнинг ўрни.
22. Ташхис Марказларининг фаолияти ҳақида.
23. Реориентация психологик муаммо сифатида.
24. Мутахассисларга қўйиладиган касбий ва шахсий талаблар.
25. “Касбий сўниш” психодиагностикаси ва психопрофилактикаси
26. Касбий фаолиятда жамоанинг ўрни ва роли.
27. Касбий фаолиятни психологик баҳолаш тести таҳлили.
28. Касб танлашга йўллашнинг психологик таснифи.

29. Касбий мослиқ ва шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари.
30. Касбий психологик ташхис методлари.
31. Профессиограмманинг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари.
32. Касбий маслаҳатнинг психологик асослари.
33. Касбий фаолиятда конфликт.
34. Касбий маслаҳатнинг турлари турлари ва уларнинг мазмунни.
35. Шахсни ўрганишнинг умумий методлари
36. Шахснинг қизиқишлари ва лаёқати. “Қизиқишлар харитаси”.
37. Психологик тренинг машғулотларини ташкил қилиш масалалари.
38. Касбий фаолиятда стресс, деструкция, деформация муаммолари
39. “Касбий деструкция ва деформация”нинг меҳнат фаолияти самадорлигига таъсири.
40. Касбий фаолиятда мулоқот. Самарали мулоқот воситалари ва усуслари.

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба “Касбий педагогика. Касбий психология” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланиши тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

1) Мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот, тезис ёки мақола) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Конспект турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради ва вақтни тежайди;

2) Ўқитиши ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талabalар маъруза ва амалий машғулотлари давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат қилиш учун тест топшириклари ва б. билан ишлаши;

3) Фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талabalар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

4) Интернет тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш, мустақил ишларни тайёрлашда мавзу бўйича интернет манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) Мавзуга оид вазиятли масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ечиш;

6) Амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;

7) Илмий-амалий семинар ҳамда анжуманларга тезис ёки мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

8) Мавжуд мустақил ишларини такомиллаштириш, масофавий

(дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

Фан бўйича курс иши (лойихаси)

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

VII. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар:

- 1.Исмаилова З.К. Касбий педагогика. Тошкент. 2013.
2. Уста-Азизова Д.А. Профессиональная педагогика. Учебное пособие. – Ташкент. 2018 й.
3. Умаров Б.М., Шойимова Ш.С. Касбий психология. Дарслик. Т., 2018 й.
4. Зеер Э.Ф. - Психология профессий: Учебное пособие для студентов вузов. – М.: Академический проект; Фонд «Мир», 2005. – 336 с.

Қўшимча адабиётлар:

1. Авазбоев А.И., Исмадиёров Ю.У. Касбий педагогика. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти. 2014.
2. Ходжабоев А., Нишонов И. Касбий таълим методологияси. Тошкент. “Иқтисод-Молия”, 2006.
3. Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения: учеб. Электронно-методический комплекс: Учебно-методическая программа, курс лекций, практикум, методика проведения самостоятельной работы Красноярск. СФУ. 2009.
4. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Учебное пособие для студ.высщ.пед.учеб. заведений. – М.: «Академия» 2004. – 304 с.
5. Жалилова С. Х., Ҳайдаров Ф.И., Халилова Н.И. Касб психологияси: Ўқув қўлланма. Низомий номидаги ТДПУ, 2010. – 162 бет.
6. Гозиев Э.Ф., Мамедов К.Қ. Касб психологияси: Дарслик.Тошкент - 2003.- 186 бет.
7. Целуйко В.М. Психологические основы педагогического общения. [пособие для студентов и педагогов] - М: ВЛАДОС, 2007. -295 с
8. Шойимова Ш.С. Мулоқот психологияси. Ўқув-услубий қўлланма «ZAMON POLIGRAF»ОК Тошкент, 2017. 40 б.
9. Шойимова Ш.С. Шахс психологияси. Ўқув қўлланма. «LESSON PRESS» Тошкент, 2017 й. 160 б.

Интернет сайтлари

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.edu.uz
4. www.pednauka.uz
5. www.education.ru
6. www.intuit.ru

